



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
булк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 8 сентябрь, № 176 (4839)

Сешанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 11 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда) **17-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Элик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий қўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга кирди.

### Ўзбекистон Республикасининг Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 7 сентябрь  
№ ҲҲР — 214

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!  
Миллий байрам муносабати билан Ўзбекистон халқига осойишталик ва равақ каби энг эзгу тилакларни йўллаш менга алоҳида мамнуният бахш этди.  
Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётганини катта хурсандчилик билан қайд этаман ва уларнинг яқин йилларда янада ривожланишига ишончим комил.  
Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан табриклар йўллаб, Сизга шахсий фаровонлик тилаб қоламан.

**Жоржо Наполитано,**  
Италия Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Сиз, Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан самимий табрикларимни йўллаш менга алоҳида мамнуният бағишлайди. Фурсатдан фойдаланиб, пойтахтингиз — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан ҳам чин қалбдан муборакбод этаман.  
Мен Сизга шахсий муваффақиятлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқига бахтли келажак тилаб қолгувчи ўзининг энг эзгу истаklarимни йўллаш имкониятидан фойдаланаётганимдан хурсандман.

**Хайцц Фишер,**  
Австрия Республикаси Федерал Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!  
Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан менинг самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни қабул этишингизни сўрайман.  
Алоҳида мамлакат ва Европа Иттифоқига аъзо давлат сифатида Венгрия Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик тартибни кўришни эггаллагани ҳақидаги далилни юқори баҳолайди. Бу икки томонлама муносабатларда янги имкониятлар мавжудлигининг исботидир. Амминанки, биз биргаликдаги савб-ҳаракатларимиз билан қўллаб соҳларда ўзаро фойдали ҳамкорликка эришамиз.  
Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул этгайсиз.

**Лосло Шойом,**  
Венгрия Республикаси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Президент!  
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши менга ўзбек халқига энг самимий табрикларини йўллаш ҳамда уларга тинчлик ва равақ тилаш имкониятини яратганидан бахтиёрман.  
Европа Иттифоқига аъзо давлат сифатида биз Европа Иттифонининг Марказий Осиёдаги стратегиясини амалга оширишининг муҳим аҳамиятига ва Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни кенгайтиришига алоҳида эътибор қаратишда давом этамиз.

Тинчлик, равақ ва фаровонлик каби тилакларимни изҳор этар эканман, жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул этишингизни сўрайман.  
Хурмат билан,

**Траян Бэсеску,**  
Руминия Президенти.

# ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР

фуқароларимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, уларга яшаш учун бундан-да қулай шароитлар яратишга хизмат қилади



**Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида қишлоқ аҳолиси учун яққа тартибдаги уй-жойлар лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўرғазмаси очилди.**

### Кўрғазма

Мазкур кўрғазма Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган бўлиб, Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» бош лойиҳа-қидирув институти, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки, «Қурилиш материаллари» акциядорлик компанияси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирдан қўзланган асосий мақсад қишлоқларимиз қиёфасини тубдан яхшилаш, аҳоли учун қулай турмуш шароитини яратиш борасида амалга ошири-



лаётган ишларни янада жадаллаштиришдан иборатдир.  
Маълумки, мамлакатимизда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ катта эътибор қаратиб келинмоқда. Натихада шаҳару қишлоқларимиз йилдан-

йилга гўзаллашиб бораётир. Айниқса, кейинги йилларда республикамиз аҳолисининг аксарият қисми истиқомат қилувчи қишлоқларимизни янада обод қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Жорий йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровон-

лиги йили» деб ном берилиши ҳам бунинг тасдиғидир. Зотан, Президентимиз Ислам Каримов алоҳида таъкидлаганидек, Ватанимиз тараққиётида тугган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳолининг ҳаётини замонавий меъзонларга жавоб берадиган дара-

жага кўтариш ва умуман, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожига ривож қўйиши, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

**Мустақиллик йилларида Юртбошимизнинг иқтисодийёт соҳасидаги стратегик сиёсати тўғрйли Ўзбекистон дунёнинг атомобиль ишлаб чиқаруви давлати қаторидан ўрин олди. Бугунги кунда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, фуқароларимизнинг атомобилга бўлган эҳтижи тўла таъминланмоқда.**

Автомобиль саноати ривожланган сари ушбу соҳа билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунонки, мамлакатимизда айни вақтда автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тўғри эксплуатация қилишни тартибга солиш ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамасининг 2007 йил 27 июлдаги «Автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлати рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбир-

### Сенатда маъқулланган

лари тўғрисида»ги қарори айнан ушбу ҳужжатлар сирасига кирди. Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ўн тўққизинчи ялпи мажлиси кун тартибига ҳам ана шу соҳага дахлдор янги Қонун киритилган эди. У «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» деб номланади. Ушбу Қонун сенаторлар томонидан қизгин муҳокама этилиб, маъқулланди. Шу муносабат билан муҳбиримиз Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари М. РУСТАМБОВЕВ билан суҳбатлашди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 сентябрь кунн Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Хитой Автомобиль техникаси махсуслотлари экспорти ва импорти бўйича савдо палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, кимё, енгил

саноат, тўқимачилик, кўнчилик, соғлиқни сақлаш, геология ва минерал ресурслар, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника, логистика, сайёҳлик ҳамда мебелсозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ўринбосари Ш. Тулаганов, Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов, Хитой Автомобиль техникаси махсуслотлари экспорти ва импорти бўйи-

ча савдо палатаси вице-президенти Лю Мэйжунь мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда хитойлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишининг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Мехмонлар юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ри-

вожлантириш борасидаги ўзгаришлар, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги қулайлик ва имтиёзлар билан таништирилди.

— Ўзбекистон — Хитойнинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан, — дейди Лю Мэйжунь. — Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамжи тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистонда чет эл ишбилармонлари учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар хитойлик ишбилармонларнинг Ўзбекистондаги шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Фарход Мамасолиев, «Мериал траст» қурилиш ташкилоти раҳбари (Жиззах вилояти):

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кўрғазмада тақдир этилаётган лойиҳаларнинг замонавийлиги эътиборни тортади. Уларнинг макетларини кўриб, энди бизга шўям бўлаверди, деган тушунчанинг вақти аллақачон ўтганига яна бир бор амин бўлдим. Унинг лойиҳаси замонавий бўлгандан кейин қурувчи ҳам шунга яраша ҳаракат қилади.

Яна бир қувончли томони, ишлаб чиқилган лойиҳалар замонавий бўлиши билан бирга, уларда миллий ўзига хослик, маҳаллий шарт-шароит ҳисобга олинган. Бундай уй-жой

## СЎЗ — КЎРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўзимизда тайёрланган қурилиш материаллари, шунингдек, замонавий жиҳозлар асосида қурилади. Айни пайтда мамлакатимизда маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш янада кенгайтиришга йўл очилади. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида қишлоқларда барпо этиладиган уй-жойлар учун қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологияларни олиб кириш бўйича аниқ вазифалар белгилангани ҳам бунинг исботидир. Бу эса лойиҳаларни амалга ошириш ҳаракатларини камайтириш, аҳоли учун қулай, замонавий уй-жой қуриш имконини беради.

Лойиҳаларда ҳудудларга қараб қурилиш материаллари таркиби ҳам белгилангани муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, тоғ ва тоғ олдида жойлашган уйлارга айрим қурилиш материалларини олиб чиқиш қўлматга тушиши мумкин. Шу боис бундай жойларда қуриладиган уйлари лойиҳасида ушбу жиҳатлар эътиборга олингани ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Кўрғазмада намойиш этилаётган макетларга қараб, замонавий қишлоқларимизнинг янги қиёфасини кўз олдимга келтирирялган. Масалан, уй қуриладиган жойга энг биринчи навбатда йўл солинади. Шунинг учун ҳам кўрғазмага қўйилган лойиҳаларда йўллардан газ, электр линияларини ўтказиш, манзарали дархат экиш, кўприклар қуриш назарда тутилган. Қишлоқларимиз қиёфаси аста-секинлик билан бош режа асосида ўзгариб бориши ва шаҳардан қолишмайдиган масканга айланишига шўбха йўқ.

**Абдуфаттоҳ Жабборов, «Қашқадарь қурилиш лойиҳаси-сервис» масъулияти чекланган жамияти лойиҳачиси:**  
— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» бош лойиҳа-қидирув институти ташкил этилгани халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Утган қисқа давр ичида бу институт томонидан қишлоқларда таъкид этиладиган янги архитектура бош режалари ва намунавий лойиҳаларни тайёрлаш бўйича кенг қўламли ишлар қилинганини таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида мамлакатимизда

**193** та ишлаб чиқариш объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Енгил ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноатлари, машинасозлик, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги тармоқларида ишга туширилган бу замонавий корхоналар мазкур йўналишларда янги иш ўринларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш суръатларини ошириш имконини берди.



Бир ракам шарҳи

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларни билдириш менга факулда мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат, биродар ўзбек халқига доимий тараққиёт ва раванқ тилайман.

Юксак эҳтиром билан,  
**Муҳаммад Хусни Муборак,**  
Миср Араб Республикаси Президенти.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини чин дилдан муборакбод этаман.

Эрон Ислам Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида узоқ даврлардан бўён шаклланиб келган тарихий ҳамда маданий алоқаларни эътиборга олган ҳолда, кўп томонлама ҳамкорлик ўзаро муносабатларни мустақамлашга, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдираман.

Яратгандан Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса оҳида ҳаёт ва раванқ тилаб қоламан.

Маҳмуд Аҳмадинежод,  
Эрон Ислам Республикаси Президенти.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига янада тараққиёт ва раванқ тилаб қоламан.

Абдуллоҳ II бин Ал-Ҳусайн,  
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Тунис халқи ва шаҳсан ўз номидан самимий табрикларини йўллаш ҳамда соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва раванқ тилаш учун энг эзу истакларини билдириш менга мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд биродарлик ва ҳамкорлик ришталари қардош халқларимизнинг умумий манфаатлари йўлида улкан тараққиёт ва ривожланишга эришишига тилақдош эканини билдиришдан бахтирман.

Зин ал-Абидин Бен Али,  
Тунис Республикаси Президенти.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрами муносабати билан самимий табрикларини изхор этишга ижозат бергайсиз. Исроил халқи ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ, мамлакатингизга янада юксалиш ва тараққиёт ҳамда халқингизга раванқ тилайман.

Имкониятдан фойдаланиб, халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожланишининг аҳамиятини яна бир бор таъкидламоқчиман ва бу борада қўллаб-қувватлаб келаётганингиз учун Сизга чуқур миннатдорлик изхор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Шимон Перес,  
Исроил давлати Президенти.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Сиз ва биродар Ўзбекистон халқи Мустақиллик байрами нишонлаётганда Фаластин халқи ва раҳбарияти номидан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва раванқ тилаш учун энг самимий истакларини йўллаш бизга мамнуният бағишлайди.

Ушбу улғу сана муносабати билан халқимизнинг инсон ҳуқуқларини тиклаш, пойтахти олиҳиммат Қудуд бўлган мустақил давлат ташкил этиш ишида Сизнинг доимий қўллаб-қувватлашингизни юқори баҳолаган ҳолда, Сиз, Жаноби Олийларига ўзаро қардошлик муносабатларини жуда қадрлашимизни билдираман.

Жаноби Олийлари, яна бир бор табрикларимиз ва юксак эҳтиромимизни қабул этгайсиз.

Маҳмуд Аббос,  
Фаластинни озод қилиш ташкилоти ижройи қўмитаси раиси, Фаластин миллий маъмуриятининг раиси.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Жаноби Олийлари!  
Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларини ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари халқи ва ҳукумати номидан энг эзу тилакларини мамнуният билан изхор этаман. Шунингдек, шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат ва барча ишларингизда омадлар ҳамда биродар мамлакатингиз халқига раванқ тилаб қоламан.

Хурмат билан,  
**Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум,**  
Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти ва бош вазири,  
Дубай амирлиги ҳокими.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу сабабдан, жиноят қонунчилигидаги ушбу бўшлиқни тўлдирish мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақомадининг юқорида номи зикр этилган қарорда ИИБ, Бош прокуратура, Қўриқ суд билан биргаликда қалбақлаштирилган ва бошқа транспорт воситасига бириктирилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларидан фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича тақлифлар киритиш вазифаси юклатилган эди.

Шу муносабат билан ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун маъқулланди. Ушбу қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддасининг номи "автотранспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини" деган тахрирда тўлдирилди ҳамда шу модда диспозициясига "Шунингдек, автотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини" деган қўшимча ҳам киритилди. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддасига киритилган ушбу ўзгариш автотранспорт воситалари учун давлат рақами белгиларини қайд этиш, юришти ва сақлаш тартиби бўйича муносабатларни, фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини белгиланади.

— Амаддаги қонунга киритилган ўзгаришларнинг мақсад-моҳияти нимадан иборат?  
— Амаддаги ЖКнинг 227-модда-

сида корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг қатъий ҳисобидagi ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, шунингдек, уларни ноҳуд қилиш, шикаст етказиш ёки уларни яшириш гаразғушлик ёхуд бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса, жавобгарлик белгиланган. Аммо ушбу моддада автотранспорт воситаларининг шикаст етказиш ёхуд уларни яшириш учун жиноят қонунчилигида жавобгарлик қўзда тутилмаганига учун шахс жиноий жавобгарликка тортилмай келинмоқда. Қонунга киритилган ушбу ўзгариш автотранспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини расмий ҳужжат деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

— Автотранспорт воситалари-  
нинг давлат рақами белгисини қонунга хилоф равишда эгаллаш бошқа жиноятларни келтириб чиқармайди?  
— Келтириб чиқаради, аниқроғи, бошқа жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси божхона органларида расмийлаштирилмасдан мамлакатимиз ҳудудига олиб қирилган транспорт воситаларига эгалланган автотранспорт воситаларининг давлат рақами белгисини қўйиб юриш ҳоллари ҳам учради. Бу — қонунга мутлақо хилоф ишдир. Бундай вазиятда, аввало, божхона қондилари қўпол равишда бузилади. Қолаверса, товар-моддий бойликлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб қирилди, натижада божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилади, контрабанда жиноятлари содир этилади. Бундай жиноятлар, ак-

сарият ҳолларда автотранспортнинг давлат рақами белгисини алмаштирган ҳолда содир этилади. Шу боис уларнинг фоз этилиши янада мураккаблашади.

— Бу масалада хорижий мамлакатлар тажрибаси қандай?  
— Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида, табиийки, хориж тажрибаси ҳам ўрганилди. Жумладан, Россия

Федерациясининг ЖК 326-моддаси ва Беларусь Республикасининг ЖК 381-моддасида транспорт воситалари идентификацион рақамларини йўқ қилганлик ёки қалбақлаштирилганлик учун, Украина ЖКнинг 290-моддасида транспорт воситалари рақамлари ва агрегатларини йўқ қилганлик, қалбақлаштирилганлик ва ўзгаририлганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

— Амалиётда Қонунга ўзгариш киритишга сабаб бўлган мисоллар ҳам мавжудми?  
— Албатта. Амалиёт материалларининг таҳлили бунга тўла исботларни берди. ИИБ статистика маълумотларига кўра, 2006-2008 йиллар мобайнида автотранспорт воситалари давлат рақами белгиларини гайриқонуний равишда эгаллаб, 4,3 минг ҳолатда уларнинг йўқотирилганлиги қайд этилади. Ушбу белгиларни 2006 йилда 1,3

минг, 2007 йилда 1,4 минг ва 2008 йилда 1,5 мингга йўқотиш ҳарақатлари бўлган. 2006-2008 йилларда автотранспорт воситалари учун давлат рақами белгилари ўзгаририлганлиги 32 та ҳолат бўйича қайд этилган.

Табиийки, келтирилган бу маълумотлар ушбу қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортиб бораётганидан далолат беради.

Шу ўринда бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қандай, деган савол туғилиши мумкин. Бу қилмиш, аввало, автотранспорт воситалари давлат рақамларини ҳисобини юритиш тартибини бузади. Оқибатда фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг қонуний манфаат ва ҳуқуқларига зарар етди. Қолаверса, у турли жиноятларнинг содир этилишини оsonлаштиради ҳамда бошқа транспорт воситаларининг давлат рақамларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларнинг фоз этилишини қийинлаштиради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бу Қонун кучга киргач, мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш кўчаради. Ва айна бир пайтда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш самардорлиги ошади. Натижада суд-тергов амалиётида автотранспорт воситалари давлат рақамларини эгаллаш, ноҳуд қилиш, шикаст етказиш ёки уларни яшириш тўғри, аниқ ва бир қилма квалфикация қилиниши таъминланади.

Алишер БОЛИЕВ сўзбoтлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, инсоннинг турмуш даражаси, унинг иқтисодий аҳоли яшаш тарзида, аниқроғи, тураржойида яқол намоён бўлади. Буни бундан 15-20 йиллар аввалги қишлоқдаги мавжуд шароитни кўз олдига келтирган киши яхшироқ аниқлади, албатта. Негаки, яқин-яқингача қишлоқ дейилса, гувалладан кўтарилган қўримсиз уйлар, қишлоқ лой, ёзда тўроқ қўчалар тушуниларди. Ачинарлиси, қишлоқ аҳолиси саратонни лой чангаллаб, қархатонни қор кураб ўтказишга мажбур эди.

Шукри, Истиклол шарофати билан ҳаётга ўзгача нигоҳ билан боқа бошладик. Уй-жойларимизни секин-аста замон талаблари даражасига олиб чиқаямиз. Бунинг учун эса имкониятимиз етарли. Энг муҳими, янги уй-жойлар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига давлатимиз бош-қош бўлиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди.

Ҳап шундаки, бугун аҳолининг қурилиш материаллари излаб, хали у кам, хали бу етмайпти, деб елиб-югуришларига ҳожат йўқ. Бунинг учун бир неча муқобилдаги лойиҳалардан маъқул танланиб, шартнома имзоланса, бай. Уй хонадон сохибига қурилиш компанияси томонидан "калити билан" топширилади. Бугун ана шундай пухта уйланган ва пишиқ ишлаб чиқилган механизм яратилган. Бунда Президентимизнинг жорий йилда имзолаган қарорлари дастурийлашмаб бўлиб хизмат қилапти.

Ҳўш, қишлоқларда замонавий уй-жойлар қандай бўлиши керак? Бунга "Ўзқоспонар-каз" мажмуи павильонларини айланган киши тезда жавоб олади. Бу ерда росмана тикланган шу тоифадаги турар-жой бинолари ва уларда яратилган шарт-шароитларни қўриб, етарлики тасаввур ҳосил қилади.

Дарҳақиқат, кўрғазма ўз нуфузи жиҳатидан ниҳоятда ул-  
кан бўлиб, ундан қўллаб-қувватлаб уй-жой лойиҳалари, уларни барпо этишда қўлланладиган қурилиш материаллари, шунингдек, жиҳозлаш ускуналари, рўзгор буюмлари жой олган. Тақдим этилаётган рангбаранг тураржой ва маиший иншоотлар лойиҳалари қўркам ва шинамлиги билан кишини ўзига тартади. Улар билан таъиниш, "Киройи уй шундай бўлса", деб юборасан.

— Менга 4 хонали уй лойиҳа-  
рилади. Кредитнинг 15 йил муддатта берилиши эса янада манзур бўлди. Биз, қишлоқ аҳолисига қаратилган бунинг эътибор ва ғамхўрлик учун фақат раҳмат айтишимиз керак!

Қурилишнинг дастлабки босқичида республикамиз бўйича танлаб олинган 42 та жойда энг яхшироқ барпо этилади. Бу ердаги уй-жой ва маиший иншоотлар Президенти-  
мизнинг шу йил 27 ян-

# ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР

рилади. Кредитнинг 15 йил муддатта берилиши эса янада манзур бўлди. Биз, қишлоқ аҳолисига қаратилган бунинг эътибор ва ғамхўрлик учун фақат раҳмат айтишимиз керак!

Қурилишнинг дастлабки босқичида республикамиз бўйича танлаб олинган 42 та жойда энг яхшироқ барпо этилади. Бу ердаги уй-жой ва маиший иншоотлар Президенти-  
мизнинг шу йил 27 ян-

рилади. Кредитнинг 15 йил муддатта берилиши эса янада манзур бўлди. Биз, қишлоқ аҳолисига қаратилган бунинг эътибор ва ғамхўрлик учун фақат раҳмат айтишимиз керак!

— Мен нафақат қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, балки бир уй бекаси сифатида ҳам бугунги кўрғазманга томоша қилмоқдаман. Тақлиф этилаётган лойиҳалар, аввало, хонадонларимиз бекаси бўлган аёллар учун қишлоқ жойларда энг замонавий шароитларни, ривожланган мамлакатлардаги сингари барча қўлайликларни яратишга қаратилгани билан ҳам қўнарлидир. Ушбу комплекс лойиҳаларида болалар боғчаси, мактаб ва касб-хўнар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари жойлашуви алоҳида эътиборга олинганлиги, муайян фуқаролар йиғини ҳудудидидаги хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари ўзаро бир-бирини тўлдиргани ай-

ётган янги қишлоқлар ривожланган давлатлардагидан асло қолишмайди.

Мухтасисларнинг айтишича, уй-жойлар, асосан, 3 тоифага ажратилади. Булар — ўрта, яшилланган ва юқори тоифалар. Муҳими, бу тоифадаги уйларни лойиҳалашда уларнинг нарий ошиб кетмаслиги, яшаш учун қўлайлиги, ўзбеки-  
— Барпо этилажак турар-жойларни олдингилари билан мутлақо таққослаб бўлмайди, — дейди "Жиззахтадиқикот-лоийҳа" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мавзуда Брунова. — Бунинг айланиши, аёлларимиз ўзини англашади. Чунки эндиликда лойиҳага кўра, ошхона, ювиниш хоналари уйнинг ичкарисидан ҳам

жой олади. Бу ёш болали оналар учун жуда қўлайдир.

Эътиборли жиҳати шундаки, қурилиш ишларида ягона лойиҳа татбиқ этилмайди. Ҳар бир ҳудуднинг сейсмик ҳолати, табиий-иклим шароити инобатга олиниб, тайёрланган лойиҳалар орасидан танлаб олинади. Бунинг буюртмачи, яъни аҳоли ҳал қилади.

Ихтисослаштирилган кўрғазмининг очилишида тармоқда қўлланладиган шу каби янгиликлар ҳақида сўз борди. Юртбошимиз раҳбарлигида уларнинг тула-тўқис рўёбга чиқарилиши тез орада қишлоқларимиз сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини таъминлайди, албатта. Шу боисдан кўрғазма Ўзбекистон қурилиш сановатида йирик юқеа сифатида эътироф этилаётди.

Чиндан ҳам, мазкур тадбир лойиҳачи ва меъморлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва улгуржи-чакана савдо компаниялари, шунингдек, қишлоқ аҳолисининг фикр алмашиши, ўзаро келишувларга эришиши учун бир имкониятдир.

Кўрғазма иштирокчилари тўрт кун давомида лойиҳалар билан танишдилар, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиялаш имплементация тураржойлар барпо этишда буюртмачи вазифасини бажарувчи "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг хизмат турлари ва замонавий қурилиш материаллари ҳақида етарли ахборот оладилар. Бу уларнинг замонавий уй-жойлар қандай бўлиши кераклигини англаб олишларида хизмат қилиши, ана шундай қўркам иморатлар қуришга ундаши, шубҳасиз.

Кўрғазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев катнашди.

Санд РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лавҳалар.  
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилда 43,4 фоз ўсиб, 1,3 миллиард АҚШ долларига етган бўлса, жорий йилнинг январь-июнь ойларидаёқ бу кўрсаткич қарийб 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик кўлами мутасил кенгаймоқда. Мамла-

# ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

катимизда фаолият юритаётган 266 та Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонасининг 44 таси тўла Хитой сармояси ҳисобига тузилгани бунинг яққол тасдиғидир. Улар энгил сановат, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо-сармоя каби соҳаларда иш олиб боради. Юртимизда, шунингдек, Хитойнинг 46 та етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жарағига кенг жалб этишга энг масалалар муҳофазат қилинди. Бунда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлаш муҳим ўрни тутиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Хитойнинг элликан зидд йирик компаниясидан юзга яқин вакил иштирок этди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Мадина УМАРОВА,  
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрғазмада яқка тартибда уй-жой қуриш учун тақлиф этилган лойиҳалар мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси шароитидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида-алоҳида тайёрланади. Чунки Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги шароитни Қорақалпоғистон Республикаси ёки Хоразм вилояти билан солиштириб бўлмайди.

Энг муҳими, лойиҳаларда ҳар бир ҳудуднинг уй-жой қуриш бўйича ўзига хос тажрибаси бор. Ана шундай тажриба асосида қурилган уйларда табиий иқлим шароити, кўвш чиқишига боғлиқ, аёзли кунлар, жазирма иссиқ ва хатто, зилзила ҳам ҳисобга олинган. Шу аъналардан келиб чиққан ҳолда, кўрғазмага қўйилган лойиҳаларда уйлар деворининг қалинлигиндан тортиб, ўрнатилган эшик ва ромлар шаклига-ча инотатга олинган мақташга аргизгулик.

# СЎЗ — КЎРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Зебо Ёдгорова, Бўжа туманидаги "Чигатой" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси (Тошкент вилояти):

— Мен нафақат қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, балки бир уй бекаси сифатида ҳам бугунги кўрғазманга томоша қилмоқдаман. Тақлиф этилаётган лойиҳалар, аввало, хонадонларимиз бекаси бўлган аёллар учун қишлоқ жойларда энг замонавий шароитларни, ривожланган мамлакатлардаги сингари барча қўлайликларни яратишга қаратилгани билан ҳам қўнарлидир. Ушбу комплекс лойиҳаларида болалар боғчаси, мактаб ва касб-хўнар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари жойлашуви алоҳида эътиборга олинганлиги, муайян фуқаролар йиғини ҳудудидидаги хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари ўзаро бир-бирини тўлдиргани ай-

тинг. Буларнинг барчаси юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида бошлаб ўзбек аёлининг ишини энгилатиш, хурматини жойига қўйиш борасидаги вазифалар изчил амалга оширилаётганининг тасдиғидир.

Лойиҳа тақдимотчилари билан сўхбатда аён бўлдики, қишлоқларда хизмат кўрсатиши ривожлантириш, аҳолининг даромад манбаини кенгайтириш, айнакиса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида чекка ҳудудлардаги қишлоқлар уй-жойлари лойиҳаларида хунарманд, уста ёки чеварга ўз уйида хизмат кўрсатиш шохобчасини очиш имконияти яратилар экан.

Ханноий Жетписова, Мўйноқ тумани бош архитектори (Қорақалпоғистон Республикаси):  
— Мамлакатимизда мустақиллик

йилларида халқимиз яшаш шароити сифат жиҳатдан бутунлай ўзгариб бораётгани, юртимиз тобора қўркам ва замонавий қиёфа касб этаётганини Ватанимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири — Мўйноқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида яқка тартибдаги уй-жойларнинг деярли барчаси пахсадан қуриб келинган. Қўллаб уйлар томи лойсувоқ билан ёпилган. Бойси, маҳаллий аҳолининг кўнглида шундай бўлиши керак, деган тушунларда яхши яшашга интилиш, қўлайликларга эга чиройли уй қуришга қизиқиш кўчарди. Лойсувоқ у ёқда турсин, шифер ўрнига черепицадан фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Бугунги кўрғазмага барча туманларимиздан ана шундай инсонларнинг келгани, уларнинг

иштиёқ билан янги лойиҳаларни кўздан кеңираётгани бу борадаги ишларимизни янада ривожлантиришга туртки беради. Чунки улар шу лойиҳалар асосида ўз қишлоғида пишиқ гишдан замонавий уй қураб экан, ундан қўншини, маҳалладоши ўрнат олади.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий режалаштирилиши ташкил этиш, қишлоқда тураржой ва ижтимоий соҳа объектлари бўлиб этилишини лойиҳалаштириш тизимини тақомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилангани бу ёқда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

ЎЗА мухбири  
О. РАҲАБОВ,  
О. ТўРАҚУЛОВ  
ёзиб олди.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Дастур самара берди

Буёк Британияда август ойида янги автомобиллар сотуви сезиларли даражада ошганлиги маълум бўлди.



"Евроноьюс" телеканалнинг маълум қилишича, мамлакатда бу борада олти фоиз ўсиш кузатирилган. Этироф этилишича, бундай ижобий кўрсаткич эски машиналарни янгиларига алмаштирувчиларни қўшимча рағбатлантириш дастурининг самарасидир. Эслатиб ўтаем, дастлаб бундай амалиёт Германия ва АКШда синаб кўрилиб, ижобий натижалар қайд этилган. Шу боис Буёк Британия ҳукумати мазкур дастур кейинги йилнинг февраль ойига қадар амалда бўлишини маълум қилган.

## Ишсизлик даражаси ортмоқда


Айни кунларда АКШ иқтисодиётида барқарорлашув аломатлари сезилётган бўлса-да, мамлакат меҳнат бозорига аҳвол ҳамон танглигича қолмоқда.

Негаки, жорий йилнинг август ойида мамлакатда иш ўринлари қисқартирилиши давом этган. Бу борада "American Airlines" авиакомпанияси ҳамда уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарувчи "Whirlpool" компанияси бошқаларга "ўрناق" бўлган. Мазкур компаниялар минглаб ходимлари билан тузган меҳнат шартномаларини бекор қилиши оқибатида яна 216 минг киши ишсиз қолган. Натижада айни пайтга келиб, АКШда ишсизлик даражаси 9,7 фоизга етган. Маълум бўлишича, бундай салбий кўрсаткич мамлакат тарихида сўнгги 26 йилда кузатилмаган экан. Тахлилчиларнинг хулосаларига кўра, йил якунига қадар бу ерда ишсизлик даражаси 10 фоизга етиши мумкин.

## Йўловчилар қутқариб қолинди

Филиппиннинг жанубий туманларидан бирида паром ҳалокатга учради.

Оқибатда тўққиз киши ҳалок бўлган, 30 нафар йўловчи эса бедарак йўқолган. Манбага кўра, фалокат юз берган вақтда паромда 847 йўловчи ва 117 нафар экипаж аъзоси бўлган. Кўрилаган тезкор чора-тадбирлар туфайли 930 киши қутқариб олинган.



Паромда юзага келган техник нуқсонлар фалокатга сабаб бўлгани айтилмоқда. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

## Шоудаги кўнгилсизлик

Италиянинг Брешиа шаҳрида ташкил этилган авиашоуда кўнгилсизлик юз берди.

Бу ҳақда "ANSA" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Яъни томоша вақтида унчалик катта бўлмаган самолёт кулаб тушган. Оқибатда унинг бир учувчиси воқеа жойида ҳалок бўлган, бошқаси тан жароҳати олган. Бахтсиз ҳодисадан "Montichiari" аэродромига йиғилган мухлисларга зиён етмаган. Самолёт нима сабабдан фожиага йўлиққани ҳозирча маълум эмас.

## Гаройиб мавжудот

Папуа — Янги Гвинея мамлакатига каламушининг ноёб турига дуч келинди.

Бу жониворни энг аввал мамлакатда тасвирга олиш ишлари билан шуғулланаётган кинематографлар гуруҳи пайқаб қолган. Келтирилишича, ушбу каламушининг узунлиги 82 сантиметрни ташкил этади. Қизиғи, у ҳеч нарсадан тап тортмай одамларга яқинлашиб келган.

Мутахассислар фикрича, табиатнинг бундай гаройиб мавжудотлари, асосан, вулқонларга яқин ҳудудда яшар экан.

## Фалокат оёқ остида

Туркиянинг Анталия музофотида сайёҳларни олиб кетаётган автобус ағанаб кетган.

Маҳаллий полициячиларнинг маълум қилишича, мазкур кўнгилсизлик туфайли 13 нафар сайёҳ ва автобус ҳайдовчиси тан жароҳати олган. Қурбонлар йўқ. Ҳозирча ҳалокат сабаблари номаълум.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# САРА УРУФ – ҲОСИЛ БАРАКАСИ

Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг ички имкониятларини излаб тўлиш, пахта экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини янада ошириш сингари муҳим вазифалар белгилаб берилдики, айни пайтга келиб, бу борада талайгина ишлар амалга ошириляпти.

Ҳозирги кунда республика-мизда 5500 дан ортиқ сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 145400 гектар ерда деҳқончилик қилаётган бўлса, 35 мингдан зиёд мулкдорлар 227 минг гектардан кўпроқ майдонда боғдорчилик билан шуғулланишмоқда. Бинобарин, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, фермер хўжаликларида тақрорий экинлар экишни жорий қилиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Тошкент вилоятининг Қирғай туманида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, Тадбир-

корлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Тошкент давлат аграр университети, Бутунжаҳон сабзавотчилик маркази ҳамда республика-миздаги қатор илмий тадқиқот институтилари ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий семинарда мутахассислар сабзавотчиликка ихтисослашган фермерларга тўп-роқ унумдорлигини бойитувчи, экин ҳосилдорлигини оширувчи янги биологик ўқитлар, сифатли ва эртапийли сабзавот навларини тавсия этишди. Улар экинларни зараркунанда ва кал-

салликлардан асрашнинг илғор усуллари билан таништирилди. — Бугунги фермер ердан унумли фойдаланиши, қўшимча экин экиб, барқарор даромад манбаига эга бўлиши керак, — дейди Тошкент давлат аграр университети илмий ходими Элбек Сулаймонов. — Утказилаётган семинарда кўпгина сабзавот ва полиз экинларининг янги, истиқболли навлари тавсия этиляпти. Масалан, Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти тақдим этаётган соянинг "Универсал" намини олай-

лик. Унинг таркибида 44 фоиз оксил мавжуд бўлиб, парваршида сувга ҳам унчалик талабчан эмас. Уни қатор ораларига ҳам экиш мумкин. Муҳим жиҳатларидан яна бири — ерни азот билан бойитишидир. Ўзбекистон Ҳосилдорлик илмий тадқиқот институти мутахассисларининг изланишлари натижасида яратилган "Сюрприз" номли сабзавотбоп кўкнўхат намини республикамизнинг барча вилоятларида етиштириш мумкин. У гектаридан 33 центнергача ҳосил беради.

Семинар давомида аҳолини арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чораларини кўпайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларни аграр тармоққа кенг татбиқ этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Анжуман

## Қисқа сатрларда

Урганч шаҳрида янги академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилди.

## Муҳташам ўқув маскани

795 ўринга мўлжалланган ушбу муҳташам билим даргоҳини "Ирригация темир-бетон қурилиш" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари бунёд этдилар. Бундан унчун 3,5 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Айни пайтда бу ерда 450 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

## Қишлоқда гишт заводи

Боголтиқ тадбиркор Комилжон Рўзमतов Маданият қишлоғида "Иззат, Комил" деб номланган хусусий гишт заводини ишга туширди.

Корхона замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, ойнага 300 минг дона хом, 100 минг дона пишиқ гишт ишлаб чиқармоқда.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ УЧУН «HYUNDAI» ЮК МАШИНАЛАРИ ТАЪМИНОТЧИСИ**

**Жанубий Кореянинг «Road International Co. Ltd» компанияси қуйидаги қурилиш техникалари ва транспорт воситаларини таклиф қилади:**

- «HYUNDAI» компаниясида ишлаб чиқарилган
- экскаваторлар (ғилдиракли ва ўрмаловчи)
- самосваллар ва юк машиналари — 2,2-27,9 тонна
- автобуслар — 15-50 ўринли
- ёқилги ташувчи, трейлер ва бетон миксерлар

**ҲАМДА**

- тош майдалаш ва қум ишлаб чиқариш заводи — 50-600 тонна/соат
- асфальт тайёрлаш заводи — 30-240 тонна/соат
- бетон тайёрлаш заводи — 120-360 м³/соат муқим ва кўчма шаклларда
- руҳ, алюминий ва бўёқ қопламали совуқ ёйилган пўлат ўрамлар

БУЮРТМА БИЛАН

Ваколатхона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14, Germilea биноси. Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.

Тел./факс: + (998 71) 140-10-91, 140-10-92. E-mail: rico2008@mail.ru Web-site: www.rico21.com

**Компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ**

очиқ тендер савдоларини эълон қилади. ТТ-2009-V. Умумий ўрта мактабларни жиҳозлаш учун теннис столларини етказиб бериш (харид қилиш миллий валюта — сўмда амалга оширилади).

Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 200 000 (икки юз минг) сўм.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлими белгиланган.

Тендер савдоларида юқорида кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва/ёки етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Тендер савдоларида иштирок этишга қуйидаги фирма ва ташкилотлар қўйилмайди:

- қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлган;
- тендеролди саралаш босқичи (квалификационный отбор) учун барча талаб қилинган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари тузилган шартномалар бўйича қилинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажармаган;
- тендер савдоси эълон қилинганга қадар 6 ойдан кам муддат ичида ташкил этилган;
- буортмачи билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётган;
- тендер комиссиясининг тижорат ва молиявий кўрсаткичлари талабларига жавоб бермайдиган.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 7 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

Талабгорлар тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўшимча маълумотларни хар кун (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлимидан олишлари мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5-уй. Тел./факс: 239-47-69, 239-47-56.

**ВЛАДИМИРСКИЙ ТЕКСТИЛЬ**

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

Россиянинг брезент матолар ишлаб чиқарувчи етакчи холдинги «Владимирский Текстиль»нинг расмий ҳамкори

**«Гулбаҳор-Люкс» ХК**

Тошкентдаги омбордан қуйидаги артикуллардаги зигирпоа толаси аралашган (полульняные) матоларни сотади:

11292 ПВ — сув ўтказмаслик хусусияти юқори бўлган (повышенной водоупорности), зичлиги 550+/-40 гр/кв.м.

11293 ОП — ёнгина қарши восита шимдирилган (огнезащитная пропитка), зичлиги 480+/-34 гр/кв.м.

Матоларнинг эни — 90+/-1,5 см.

Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.

Буюртмачи танлаган ассортимент бўйича техник матоларни етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича таклифларни кўриб чиқишга тайёрмиз.

Тел./факс: (8-371) 276-58-32, Телефонлар: (998 90) 175-58-86, (998 97) 776-46-30.

**ТРАНСАЭРО ЯНГИЛИГИ**

ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР:

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, СОЧИ, АНАПА, КРАСНОДАР, ХАБАРОВСК, ЮЖНО-САХАЛИНСК, ВЛАДИВОСТОК, ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ

**ТОШКЕНТ — МОСКВА**

Янги «Бонг-737-800 Next Generation» самолётида

ТАЛАБАЛАРГА МАХСУС ТАКЛИФ:

ГЕРМАНИЯ, БУОК БРИТАНИЯ, КИПР, ЭШААР УЧУН ЙИЛАИК ТАРИФ

\* Тўлиқ маълумотларни авиачифта сотувчи агентлардан олиш мумкин.

Тел.: 227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.

Аккредитация сертификати № 210.

www.transaero.ru

**Завод TTEMZ** илгари таъмирланган ва реаллашган

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

■ максимальная грузоподъемность — 8 т  
■ максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)  
■ максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

**АВТОКРАНЫ:**

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами и раскрепощенных объектах

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**

- максимальная грузоподъемность — 14 т
- максимальная высота подъема — 14,5 м

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**

- максимальная грузоподъемность — 16 т
- максимальная высота подъема — 22 м

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**

- максимальная грузоподъемность — 25 т
- максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

**ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА**

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

**ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST»**

**ПРЕДЛАГАЕТ**

**НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ**

СКИДКИ ОТ ОБЪЕМОВ.

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет. www.pipeline.uz

Адрес: г. Чирчиқ, ул. Амра Темура, 22. Головной офис: г. Ташкент, ул. Шахантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99, e-mail: sedou2006@yandex.ru

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Педагогика ва тиллар кафедрасининг катта ўқитувчиси Шаҳноза Тўйчибаевага падарни бузуқкорви ШОКИР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихпор қилади.

**ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS"**

ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ

**ҚОЗОНЛАРИ**

ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ

Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилги билан ишлайди

Маҳсулот сертификатланган.

Т/ф: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08. E-mail: chts.uz@mail.ru

"Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси "Озиқ-овқат ва сотув комбинати" МЧЖ директори Шораҳим ШОМАХМУДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихпор этади.

